Барча эзгу тилакларимиз ушалсин! Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

2009-yil 22-mart № 35-36 (2605) yakshanba

Ishonch

Бу дилбар фаслда табиат очилиши, еру кўк уйғониши билан ўзимизни янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда эзгу саъй-ҳаракатлар жўш ургандек бўлади.

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда баҳор нафаси тобора кучайиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиши билан, орзиқиб кутган Наврўзи оламнинг юртимизга кириб келиши ҳаммамизни чексиз қувонтиради.

Наврўзи оламни биз барча Шарқ халқлари қатори азал-азалдан, минг йиллар давомида, «Авесто» замонларидан буён сақланиб ва эъзозланиб келаётган, бизнинг миллий табиатимиз ва одатимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг севимли, чиндан ҳам, ҳақиқий халқ байрами сифатида қадрлаймиз.

Наврўзи оламни биз ўзининг чуқур маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси сифатида ардоқлаймиз.

Бу дилбар фаслда табиат очилиши, еру кўк уйғониши билан ўзимизни янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда эзгу саъй-ҳаракатлар жўш ургандек бўлади.

Бунинг тасдиғи айни шу кунларда – барчамиз бағримизни кенг очиб, Наврўз айёмига пешвоз чиқаётганимизда, шаҳар ва қишлоқларимиз, воҳаю водийларимизда ўтаётган сайил-томошаларда, тансиқ баҳор таомларини тайёрлаб, уларни ўз яқинлари, ёру дўстлари, маҳалла-кўй билан баҳам кўраётган минг-минглаб одамларнинг шоду хуррамлигида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, юртимиздаги ана шундай самимий, дилкаш муносабатларни кўрганда, биз қандай саховатли ва меҳрибон, кўнгли очиқ халқнинг фарзандлари эканимизни яна бир бор чуқур англаймиз ва бундан қалбларимиз беихтиёр ғурур ва ифтихорга тўлади.

Наврўзи олам мана шундай ёруғ кунларда юрагимиздан кечираётган олижаноб ҳис-туйғуларни намоён этиб, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатиш, кексаларни зиёрат қилиш, ногиронлар, беморлар ва кўмакка муҳтож одамларга беминнат ёрдам беришдек гўзал фазилатлари билан Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар учун ғоят азиздир.

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамимизда қатнашаётган хорижий меҳмонларимизга, элчилар ва чет эл ваколатхоналарининг вакилларига, барча-барча дўсту ҳамкорларимизга уларни бизнинг қадимий урф-одат ва анъаналаримизга кўрсатган ҳурмат ва эътибори учун сизларнинг номингиздан миннатдорчилик билдириб, чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда бутун халқимиз янги йилда ўз олдимизга қўйган юксак вазифа ва марраларни амалга ошириш йўлида белни маҳкам боғлаб, эртанги кунга катта ишонч билан меҳнат қилмоқда.

Айниқса, фидойи деҳқонларимиз ва фермерларимиз 2009 йилга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берилганидан руҳланиб, яхши ният ва азму шижоат билан бепоён далаларимизда янги мавсумни бошламоқда.

Халқимизда азалдан янги йилнинг серҳосил ва омадли бўлиши Наврўзнинг қандай келишига, уни қандай кутиб олишингга боғлиқ, деб бежиз айтмайдилар.

Баҳор фаслининг юртимизга серёмғир келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, кўкка бўй чўзаётгани, ўлкамизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврўз айёмини мана шундай шукроналик ва мамнунлик кайфиятида, хурсандчилик билан кутиб олаётганимиз – буларнинг барчаси бу йилги кўзлаган юксак марраларимизга, орзу-ниятларимиз ва мақсадларимизга албатта эришамиз, деган ишонч туғдиради.

Бу борада турли қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг бу йилги иқтисодий ривожланиши ва меҳнатчиларимизнинг оладиган маошлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар, бир сўз билан айтганда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши, иншоолло, ўтган йилгидан кам бўлмайди. Шундай деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Муҳтарам ватандошларим!

Юртимизга Наврўз байрами кириб келиши билан мен бугун шу муҳташам ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, азизларимга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, қалбимда, юрагимда бўлган энг самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Илоё, хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук кексаларимизнинг умрлари узоқ бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Халқимиз доимо орзиқиб, интизор бўлиб кутадиган, янги кун ва янги фасл дебочаси, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутади.

Нега деганда, Наврўз табиат очилиши, уйғониш ва янгиланиш фасли бўлиб, Шарқ дунёсидаги энг қадимий, биз учун асл миллий, ғоят ардоқли ва эъзозли байрамдир.

Наврўз ўзига хос бетакрор бир олам бўлиб, инсон зотини табиат билан доимо уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашга даъват этадиган ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзи ва белгисидир.

Мустақиллик йилларида бу байрам изчил ривожланди, такомиллашди, унинг мазмун-моҳияти бойиди ва эзгулик билан йўғрилган янги қирралари намоён бўлди.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Дилларда, тилларда байрам шукуҳи

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этди.

Майдон узра карнай-сурнай ва ноғоралар садоси таралиб, Наврўз сайли бошланганидан дарак берди.

Майдоннинг чор тарафида турфа ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди, ҳаво шарлари майин эпкинларда тебранади.

Саҳнага буюк келажагимиз ворислари чиқиб келишди. Майдон жажжи болакайларнинг кулгуси ва шўх-хандон қийқириқларига тўлди. Болалар табассумига не етсин. Зотан, бу — бахтиёр болаликдан, мустақил юрт фарзандларининг беғубор, қувноқ дамларидан, соғлом зурриётларимиз иқболидан дарак.

Маълумки, халқимизнинг аксарият қисмини қишлоқ аҳолиси ташкил этади. Демак, юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши, олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши қишлоқдошларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқдир.

Шу боис ҳам Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда.

Маълумки, Юртбошимиз бу борада олиб бораётган амалий ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилган эди.

Айни дамда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган Давлат дастури асосида қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқлари, яъни уй-жой қурилиши, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизматлари масаласини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш борасидаги ишлар бошлаб юборилган.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик.

2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди.

Иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлар билан ривожланди: қурилиш — 8,3 фоиз, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми — 10,2 фоиз, савдо соҳаси — 7,2 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигида 4,5 фоиз ўсишга эришилиб, 3 миллион 410 минг тонна пахта хомашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна ғалла, шу жумладан, 6 миллион 145 минг тонна буғдой етиштирилди.

Шу ўринда мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича сезиларли натижалар қўлга киритилди.

2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. Натижада ўтган йили ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларидан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

...Саҳнада янграган дилбар қўшиқларда, лобар рақсларда, ёрқин безакларда, байрам иштирокчиларининг хушнуд қиёфаларида эришган ютуқларимиздан фахрланиш ва мамнуният туйғулари барқ уради...

Мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусий бизнес учун қулай шароит яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуш даражасини изчил оширишни таъминлаш устувор вазифалардан бўлиб қолаверади.

Бундай саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятида халқимиз фаровонлигини, юртимиз тараққиётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришдек эзгу ниятлар мужассам.

...Майдон қувончу шодликлар фавворасига ўхшайди: ҳофизу хонандалар хониши, раққосалар хироми кўнгилларга завқу шавқ улашади. Кишилар дорбозу морбоз, масхарабозу қўғирчоқбозлар баҳси, пойга, кураш, ўхшайди томошаларидан завқланадилар. Дастурхонларни баҳорий таомлар безайди, дошқозонларда сумалак қайнайди...

Дилбар куй-қўшиқлар ва рақсларга мушакбозлик уланиб кетади.

Миллий боғ йўлаклари бўйлаб турли қандолат, ноз-неъматлар, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Қўли ширин пазандалар сумалак, ҳалим сингари турфа таомлар билан сайил иштирокчиларини сийлашади.

Пойтахтимизнинг барча майдонлари, хиёбонлари ва истироҳат боғлари-ю маҳаллаларида, юртимизнинг шаҳару қишлоқларида Наврўз сайли давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Наврўзга туҳфа

Янги савдо маркази

Сардоба туманидаги «Пахтаобод» қўрғонида вилоят «Сирдарёматлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг саъй-ҳаракати ўлароқ янги савдо маркази фаолият бошлади.

Узоқ йиллардан буён фойдаланилмай, ташландиқ ҳолга келиб қолган бино таъмирланди. Бу хайрли иш учун қирқ миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Улгуржи савдога ихтисослашган халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўзининг сифати ҳамда арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Аҳолига намунали хизмат кўрсатилади, — дейди «Сирдарёматлуботсавдо» акциядорлик компанияси раиси ўринбосари Номозбой Ҳазратқулов. — Жойларда яна шундай савдо мажмуалари бунёд этилиши кўзда тутилмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Дўстлик туманидаги «Навбаҳор» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги «Уста Сафар ота» фермер хўжалигида Исроил технологияси асосида сутни қайта ишлаш мини заводи фаолият бошлади.

Қишлоқда мини завод

Қадоқланган қаймоқ, пишлоқ, қатиқ, сариёғ, творог сингари ўн хил маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

- Банкдан 150 млн. сўм кредит олиб ишни юриштириб юбордик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Д.Қодирқулов. — Ҳозир хўжалигимизда 78 бош қорамол, 300 бош қўй, 2 бош йилқи мавжуд бўлиб, яқин келажакда улар сонини кўпайтириш билан бирга, наслчиликни яхшилашга ҳам эътибор қаратяпмиз. Корхонамиз кунига 2-2,5 тонна сутни қайта ишлаб, эл дастурхонига армуғон этаётганидан мамнунмиз.

Қишлоқда мини завод очилиши муносабати билан 20 киши доимий ишли бўлди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Рўзғорга барака

Қишлоғимизда 640 та оила, 4499 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалламиз аҳли-иноқ. Яхши-ёмон кунларда бир-бирига кўмакдош, ҳамдард. Қатор йиллардирки, жума «тозалик куни» деб белгилаб қўйилган. Шу куни кўчалар, ариқлар тозаланади. Хонадонлар атрофи турли чиқиндилардан фориғ қилинади.

Қишлоқ турмуши кўпчиликка аён. Серфарзанд аёлларнинг аксарияти рўзғор юмушларидан ортмайди. Айнан шунинг учун ҳам касаначилик асосида ишлаш ташкил этилгани кўпчиликка қўл келди. Эндиликда 50 нафар хотин-қиз ушбу юмушларга жалб этилган. Уйда ишлашнинг афзал жиҳатлари кўп. Фарзандларимиз бажараётган ишларимиздан бохабар бўлибгина қолмасдан, яқин кўмакчига айланаяпти. Аёлларимиз қуроқ, ёстиқ жилд каби эҳтиёж катта бўлган маҳсулотларни тикиб, бозорга чиқаришни ҳам ўзлаштиришди. Ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган рўзғорга қут-барака кирди.

Зебо МАМАТҚУЛОВА,
Булунғур туманидаги Килдон қишлоғида яшовчи тадбиркор

Дилларда, тилларда байрам шукуҳи

(Боши 1-бетда)

ТОШКЕНТ вилоятида ҳам айни кунларда Наврўз тантаналари давом этмоқда.

Наврўз байрами арафасида вилоят ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Ҳозирга қадар шаҳар ва туманлар ҳудудида 7 минг 264 гектар майдон ободонлаштирилди. Ариқ ва зовурлар тозаланди, кўча ва хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди. Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлиги давомида вилоятда 853 минг туп манзарали, 1 млн. 11 минг туп мевали ва 33 мингдан зиёд тут кўчати, бир миллионтадан зиёд гул кўчати экилди.

Байрам тадбирида турли йўналишларда кўргазмалар ташкил этилиб, миллий ҳунармандчилик намуналари, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқа ноз-неъматлар намойиш қилинди. Дастурхонга баҳорнинг сумалак, кўк сомса, ҳалим сингари тансиқ таомлари тортилди. Кўнгилочар ўйинлар, спорт мусобақалари, кураш беллашувлари ўтказилди. Миллий қадриятларимизни акс эттирувчи саҳна кўринишлари, Ватан, Наврўз ва баҳорни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, бадиий дастурлар, фолклор-этнографик дасталарнинг чиқишлари байрамга ўзгача файз бағишлади.

— Азалдан Наврўз меҳр-оқибат, хайр-саховат, бағрикенглик айёми бўлиб келган, – дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Раҳматулла Шералиев. – Байрам кунлари вилоятдаги саховат, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларда байрам дастурхонлари ёзилиб, совға-саломлар тарқатилмоқда. Қатор идора, корхона ва ташкилотлар, саховатпеша тадбиркорлар томонидан эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз қария ва ногиронларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

СУРХОНДАРЁликлар Наврўз байрамини бу йил ҳам катта шодиёна билан кутиб олди. Бундай файзли кунларда хайрсаховат тадбирлари кенг қулоч ёзади.

Жумладан, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Бойсундаги 12-меҳрибонлик уйи, Шўрчи туманидаги ақли заифлар мактаб-интернати ҳамда ҳарбий қисмларга кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари, ўқув қуроллари ва дарсликлар топширди.

Бирлашма раиси Абдукарим Аҳмедовнинг таъкидлашича, бу йилги Наврўз тантаналари олдидан Термиз шаҳрида ҳамда аҳоли зич жойлашган ҳудудларда савдо ярмаркалари ташкил этилган. Тармоқ ва бошланғич қўмиталар маблағи ҳисобидан 10 минг нафардан зиёд кишига байрам совғалари, пул мукофотлари берилди. Умумхалқ ҳашарида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экилиб, ариқ-зовурлар тозаланди. Фахрийлар, етим болалар, якка-ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди.

— Наврўз байрами муносабати билан вилоятдаги нефтни қайта ишлайдиган Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, Шарғун кўмир кони, Денов нефт унитар ҳамда «Жарқўрғон нефт» ҳиссадорлик жамиятларида ҳар бир ходимга энг кам иш ҳақининг 2-4 бараваригача, ёш болали ҳамда ҳомиладорлик таътилида бўлган аёлларга бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси М.Аноров. — Ишловчиларга озиқ-овқат маҳсулотлари, пул мукофотлари тарқатилди. 150 нафар ногирон, кам таъминланган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб бердик.

Айниқса, Қумқўрғон енгил саноат, Юрчи қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларида таҳсил олувчи вояга етмаган, ота-онасиз ўқувчиларнинг туман ҳокимликлари томонидан берилган кўмакдан бошлари осмонга етди.

Наврўз шодиёналари туманлардан вилоят марказига кўчди. Термиз шаҳридаги «Болажон» хиёбони, Бобур ва «Дўстлик» истироҳат боғлари, амфитеатр, марказий кўчалар байрамона безатилган. Ёшлар ўртасида «Ёшлик ва баҳор», «Биз Ўзбекистон фарзандларимиз», «Оқила қиз», «Энг намунали ёш оила», «Энг ибратли келинчак», «Соғлом оила», «Қишлоғимнинг бетакрор мусаввири», «Қишлоғим — боғу бўстоним» ҳамда миллий спорт турлари бўйича фестиваллар ўтказилиб, санъаткорлар иштирокида ажойиб байрам дастурлари намойиш этилди.

Сурхон заминида саховатпеша инсонлар, тадбиркорлар кўплаб топилади. Ангорлик Ўзбекистон Қаҳрамони Исохон Баҳромов, бойсунлик Эсон Тўраев, қумқўрғонлик Зумрад Ҳайитова каби қўли очиқ фермерлар кўнгли ўксик болажонларни қимматбаҳо совғалар билан қутлашди.

Бу эзгу ишга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Хусусан, Жарқўрғон туманида жойлашган вилоят болалар сил касаллиги санаторийсига компютер, телевизор, DVD, 80 дона кўрпаёстиқ, 160 дона чойшаб совға қилди. Шунингдек, Сариосиёдаги «Фарҳод» мурувват уйининг моддий шароитини яхшилаш учун 4 миллион сўм маблағ ажратилди. «Пайғамбар орол» чегара қисмида байрам дастурхони ташкиллаштирилиб, ҳарбийларга совға-салом улашилди. Муҳими, қишлоқ жойларда яшаётган кам даромадли, ёрдамга муҳтож оилалардан 300 кишига 9 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

ҚАШҚАДАРЁда Наврўз айёми ҳақиқий байрам тусини олди. Қутлуғ кун арафасида вилоят шаҳар ва қишлоқларида 1 миллион тупдан зиёд кўчатлар экилди, 50 дан ортиқ янги иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоят марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғи ва амфитеатрда умумхалқ сайли бўлиб ўтди. Воҳанинг шаҳару қишлоқлари, олис туманларидан келган одамлар бугунги кундан мамнун. Она-юрт келажагига юксак ишонч руҳида улуғ байрамни нишонладилар.

Қарши шаҳрининг 62 та маҳалласида байрам дастурхони ёзилиб, сумалак сайли ўтказилди. Ғафур Ғулом номидаги, Ойдин, Қарлиқбоғор, Чақар, Боғишамол, Чармгар, Бузрукобод маҳаллалари фаоллари томонидан тайёрланган баҳор неъмати ҳамшаҳарларга тарқатилди.

Ўзбекистон халқ бахшиси Шомурод Тоғаев, ёш хонанда Зарнигор Аҳмедова, Муборакнинг «Занжирсарой», Помуқнинг «Сарвиноз», Қарши туманининг «Момогул» ансамбллари ижро этган халқ қўшиқлари, туманлардан келган фолклор-этнографик дасталар чиқишлари томошабинларга манзур бўлди.

Шаҳарнинг Мустақиллик майдонидаги «Эл-юрт таянчи» ҳайкали пойи анвойи гуллар билан тўлди. Икки юздан ортиқ оилаларга қорамоллар тарқатилди. 500 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Воҳанинг ҳар бир тумани, ҳар бир қишлоғу маҳалласида бўлиб ўтган байрам тантаналари шукуҳи барчани яратиш, яшнатишдек эзгу юмушларга даъват этмоқда.

Дилларга ғурур ва сурур бағишлаётган Наврўз шодиёнаси **БУХОРО** вилояти марказидаги Абу Али ибн Сино номидаги майдонда тантанали нишонланди. Байрам иштирокчилари дастлаб шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, қўли гул ҳунармандлар, якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ташкил этган кўргазмаларни завқ билан томоша қилдилар.

Асосий тантана анвойи гуллар, паннолар, ранг-баранг шарлар билан безатилган амфитеатрда бўлиб ўтди.

— Наврўзни нишонлаш анъаналари кўҳна тарихга бориб тақалади, — дейди Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ўқитувчиси, фалсафа фанлари доктори Гулчеҳра Наврўзова. — Ҳар бир одат ва анъананинг ўсиш, ўзгариш ва юксалиш пиллапоялари бўлгани каби Наврўз ҳам давру давронларга қараб сайқал топиб бораверган. Ҳатто араб халифалиги Наврўзни тан олиб, уни байрам сифатида нишонлаганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ислом дини кенг ёйилганидан кейин Наврўз кунларида марҳумларни эслаб Қуръон тиловат қилиш, масжидлар қошида сумалак, ҳалим, гўжа тайёрлаб, етимесирлар ва бечораларга тарқатиш одатга айланди.

Бухороликлар байрамни хуш кайфият, меҳнат кўтаринкилиги билан кутиб олдилар. Байрам арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарида шаҳар ва қишлоқлар, маҳаллалар янада чирой очди. Саховатпеша, олийҳиммат инсонлар томонидан хайрия тадбирлари ташкил этилди. Эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам берилди. Вилоят аҳлининг 1 миллиард сўмдан зиёдроқ миқдордаги бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» хайрия жамғармаси орқали кам таъминланган оилаларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйлари, ўзини-ўзи бошқариш идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга сарфланади.

Юртбошимиз томонидан 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номлангани айни муддао бўлди. Ушбу йил учун қабул қилинган Давлат дастури асосида тузилган ҳудудий тадбирларда белгиланган вазифаларни бажариш, қишлоқларни ҳар томонлама ривожлантириш ва обод этиш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ечиш мақсадларига миллий валютада 315 миллиард сўмлик, шунингдек, 109,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Майдонда баҳорий кайфиятда «Наврўз — меҳр-оқибат, гўзаллик ва дўстлик байрами» деб номланган театрлаштирилган томошалар бошланди. Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъаткорлар, маҳаллий ижрочи ёшлар, театр артистлари маҳоратини намойиш этиб, тўпланганлар олқишига сазовор бўлди.

Амфитеатрга туташ майдонда палов сайли ва бошқа кўнгилочар тадбирлар ўтказилди. Бухорои шарифнинг 7-мавзесида ушбу муборак айёмга бағишланган концерт дастурларининг намойиш этилаётгани, амфитеатрда вилоят ҳокимининг соврини учун миллий кураш бўйича турнир, барча туманларда байрам тантаналари, халқ сайллари ўтказилиши Наврўзи оламнинг узлуксиз давоми бўлади.

НАВОИЙ вилоятида ҳам байрам жуда катта кўтаринкилик билан бошланди. Эрта тонгда вилоят марказидаги «Маърака» ва «Висол» тўйхоналарида фаоллар ва меҳнат вакиллари учун ош тарқатилди. Асосий байрам тантаналари шаҳарнинг бош майдонида ўтказилди. Оммавий байрам концертлари намойиш этилди.

Алишер Навоий ва унга туташ «Халқлар дўстлиги» хиёбонларида бир неча кун олдин катта сайл бошланган. Гуррос-гуррос оқиб келаётган халқ байрам завқи, куй-қўшиқлар, ўйин-кулги ва халқ томошаларидан кун бўйи баҳра олишди.

Меҳр-саховат байрами муносабати билан корхоналар ва маҳаллалар ҳамжиҳатлиги асосида кўпгина савобли ишларга қўл урилди. Мисол учун, Навоий шаҳрида 50 дан ошиқ кам таъминланган оилалар фарзандларининг хатна тўйлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларнинг янада файзли кечишида касаба уюшмаларининг ўрни алоҳида бўлди. Айнан байрам шодиёналари куни вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакиллиги саъй-ҳаракати билан 20 та кам таъминланган оилага қорамол тарқатилди.

Байрам тантаналари Навоий шаҳридаги «Фарҳод» ва «Ширин» маданият саройлари, маҳалла, гузарларда, шунингдек, Зарафшон шаҳри ва туманларда ҳали давом этмоқда.

Бу йилги Наврўзи олам **ЖИЗЗАХ**га ўзгача тароват ва шукуҳ олиб келди. Боғлиқ гуллар оғушида. Баҳор ўз сепини тенгсиз чирой ва латофатда намоён этаётир.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастурига кўра бунёдкорлик ишлари аллақачон бошлаб юборилди. Ободончилик, кўкаламзорлаштириш юмушлари жадаллик билан олиб борилмоқда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишлар... Эҳ-ҳе, бу каби юмушларнинг саноғи йўқ.

Биргина Зомин туманида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилишига 2504,8 млн. сўм маблағ сарфланади. Пировардида тумандаги 12 та хўжаликда 500,96 га майдонда суғориш ишлари тубдан яхшиланади. Боғ, токзорлар кенгайиб, халқимизнинг мева-сабзавот маҳсулотларига талаби қондирилади.

Қишлоқларда ижтимоий соҳа ривожига эътибор кучаяди. Янги ҚВП бинолари қурилиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Олис ҳудудларда 14 та янги касб-ҳунар коллежи барпо этилади.

Вилоят марказидаги Мустақиллик майдонида бошланган Наврўз шодиёналари чекка қишлоқ ва овуллардаги ҳар бир хонадон, кўча ва маҳаллаларда, гузарларда давом этаётир.

Наврўзи олам шодиёналари **АНДИЖОН** вилоятининг барча шаҳар ва туманларида кўтаринки тарзда нишонланмоқда. Боғу роғлар бодом ва ўрик гулларига, атроф эса ям-яшил либосга бурканган тароватли дамларда вилоятнинг ҳар бир гўшасию ҳар бир хонадонида байрам, сумалак сайли давом этмоқда.

Асосий тантаналар вилоят марказидаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғининг амфитеатр майдонида бўлиб ўтди. Тадбирда меҳнат фахрийлари, миришкор деҳқону фермерлар, ўқитувчилар ва бошқа соҳа вакиллари иштирок этиб, байрам дастуридан баҳраманд бўлишди.

— Наврўз вилоятимизда катта шодиёнага айланиб кетди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт бўлими бошлиғи Қодиржон Ризаев. — Барча ташкилотлар сингари касаба уюшмалари ҳам байрамни кўтаринки кайфиятда кутиб олаяпти. Ушбу айём андижонликларни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида катта зафарларга руҳлантиради.

ХОРАЗМликлар Наврўз айёмини кўтаринки кайфиятда кутиб олдилар.

Байрам арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарида иштирок этган 800 мингдан зиёд фуқаролар томонидан олти минг гектарга яқин майдон ободонлаштирилди. 2000 километр сув йўллари тозаланди. 3 миллион тупдан ошиқ мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилди. 6200 тонна маиший чиқиндилар чиқарилди.

Хайрия тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, кўплаб кам таъминланган оилаларга қорамолларнинг бепул берилиши ва улар учун меҳнат дафтарчаларининг очилиши бандлик муаммоларини ҳал қилишга восита бўлган бўлса, бир неча хонадонларнинг таъмирланишига кўмаклашилди, моддий ёрдам кўрсатилди.

Бунёдкорлик ишлари янада авж олди. Урганч шаҳридаги 795 ўринли академик лицей биноси пойдеворига асос солинди. Шаҳарнинг «Оби ҳаёт» маҳалласи ҳудудида ёш оилаларга мўлжалланган 64 хонали кўп қаватли уй эгаларига топширилди.

Қўшкўпир туманидаги Кенагас қишлоғида 600 ўринли тўйхона, Боғот туманидаги «Тозабозор» маҳалласида янги шифохона ишга туширилди.

Барча маҳаллаларда, туман марказларида, ўқув муассасалари, жамоаларда байрам тантаналари, спорт мусобақалари, кўрик-танловлар уюштирилди.

Вилоятнинг асосий байрам тантаналари эса «Авесто» боғ мажмуасида бўлиб ўтди.

Урганч санъат коллежининг «Наврўз» ансамбли, 24-сон ихтисослаштирилган мактаб ёш санъаткорлари истеъдодларини намойиш қилдилар. Урганч Олимпия захиралари колллежи ўқувчилари спортдаги маҳоратларини кўз-кўз этдилар. Шунингдек, ёш хонандалар, бахшилар ва эл ардоғидаги санъаткорлар куй-қўшиқлари, дилрабо рақслари билан йиғилганларни хушнуд этди. Миллий анъаналаримиз акс этган саҳна кўринишлари байрамга ўзгача шукуҳ бахш этди.

* * *

Юртимизнинг барча ҳудудлари каби **ФАРҒОНА, НАМАНГАН, СИРДАРЁ** ҳамда **САМАРҚАНД** вилоятларида ҳам қутлуғ айёмга бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Наврўз нашидаси юртимиз бўйлаб ҳали узоқ кезади. Шаҳару қишлоқларимизда, бепаён дашту далаларда Наврўз сайиллари, шодиёналари давом этмоқда.

Ўз мухбирларимиз

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

Айни пайтда Наврўзи олам шукуҳи **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН**нинг шаҳару қишлоқларини қамраб олган. Дошқозонларда сумалаклар қайнамоқда. Дастурхондан жой олган қорақалпоқ миллий таомлари — гўжаю бешбармоқлар ҳар доимгидан тотли туюлади.

Нукусдаги амфитеатрда бўлиб ўтган тантаналарга республика раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, шаҳар жамоатчилиги йиғилди. Майдон бўйлаб ёқимли куй таралиб, тантаналар бошланганидан дарак берди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини қорақалпоғистонликлар қатор меҳнат зафарлари билан бошлади. Элликқалъа тумани «Ўрнак» фермер хўжалигида зотдор отларни кўпайтириш йўлга қўйилди. Фермер хўжалиги қошида сут маҳсулотларини қайта ишлаш цехи ишга туширилди. Кегейли туманида гўштни қайта ишловчи корхонанинг ишга туширилиши қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари очилишига сабаб бўлди. Хўжайлида гўшт консервалари ишлаб чиқарувчи корхона ишга тушиш арфасида. Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фойдали қазилмалар қазиб олиш юзасидан бир қатор чет мамлакатлар билан шартномалар имзоланган.

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Пўлат Айтмуродов сценарийси асосида тайёрланган «Овулда Наврўз байрами», «Ассалом, Наврўз», «Овулимда тўй», «Наврўз гулдастаси» номли мусиқий композициялар, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари Мирзагул Сапаева, Гулхатиша Айимбетова ва бошқа ёш хонандалар, истеъдодли санъаткорларнинг чиқишлари байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Янги кун янгиликлари

Тошкент шаҳри

Боқий қадрият

Аждодларимиз бу байрамни қут-барака, мурувват, ҳамжиҳатик тантанаси сифатида нишонлаб келишади. Наврўз яқинлашиши билан она юртимиз бутунлай ўзгача қиёфага киради. Шайхонтоҳур тумани «Гулобод» маҳалласи ҳудудида жойлашган 41-мактаб ўқувчилари томонидан бунёд этилган ёшлар боғида ҳам баҳорий янгиланиш. Битирувчи 9-синф ўқувчилари ўз ташаббуслари билан яратган боғларига арча, гул ва турли серҳосил дарахт кўчатларини ўтказмоқдалар.

Ўз мухбиримиз

Сурхондарё

Кўнгиллар яйради

Тонги насимдан гулу чечакларнинг муаттар ҳиди таралади. Ям-яшил далаю қирлар, гулларга бурканган боғу роғлар кишига илҳом бахш этади. Гуллаган дарахтлар ўз гўзаллигини дунёга кўз-кўз этаётгандек. Қушларнинг шодон сайрашида баҳор қўшиғи, қалдирғоч қанотида Наврўз баёти.

Ҳар сафар юртимизга баҳор келса ана шундай завққа тўламиз. Гўзал ҳис-туйғулар оғушида одамларга меҳр-саховат улашмоққа ошиқамиз. Касаба уюшмалари бу эзгу ишда ҳамиша олдинги сафда.

Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмасида ҳам Наврўз байрами муносабати билан турли тадбирлар уюштирилмоқда. Маъмурият билан ҳамкорликда даставвал узоқ йил соҳада ҳалол меҳнат қилган, жамоанинг нуфузини кўтарган фахрийлардан 36 нафарига дил сўзларимиз битилган фахрий ёрлиқлар, совғалар топширдик. Устоз шифокорларга бир ойлик маош миқдорида пул мукофотлари берилди. Бир пиёла чой устида устозу шогирдлар суҳбати қизиди. Дилрабо куй-қўшиқдан диллар яйради.

А.ЧЎЛИБОЕВ,
Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Наманган

Ғирвон буюм бозори иш бошлади

Бугунги кунда вилоят марказида ўнга яқин катта-кичик бозорлар фаолият кўрсатмоқда. Яқинда улар қаторига яна биттаси қўшилди. Наманган шаҳрининг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларидан бири — Ғирвон даҳасида янги буюм бозори иш бошлади.

Рўзғор кам-кўсти учун аҳоли илгарилари уч-тўрт чақирим наридаги «Чорсу» ёки «Сардоба» бозорларига боришган бўлса, эндиликда бу оворагарчиликка барҳам берилди. Шу ҳудудда истиқомат қилувчи тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг саъй-ҳаракатлари ва маблағлари ҳисобига ушбу замонавий савдо тармоғи барпо этилди. Бу ерда савдо-сотиқ учун барча шароитлар яратилганлиги билан бир қаторда чеварчилик, попопчилик, заргарлик, ромсоз, бешикчи усталару сартарошларга ҳам алоҳида хоналар ажратилган.

Шунингдек, ушбу савдо тармоғида махсус юк сақлаш хоналари, она ва болаларга хизмат кўрсатиш, тиббий ёрдам ва автомобилларни сақлаш жойлари ҳам мавжуд.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Андижон

Яхшидан боғ қолади

Эрта кўкламда кўчат ўтказиш, гулзорлару боғларга ишлов бериш бободеҳқонларга хос одат.

Андижон туманининг Завроқ қишлоғи ўзининг қўлигул пайвандчи-боғбонлари билан донг таратган. Шу қишлоқда яшовчи Қирғизали Жўрабоев бу йил 60 минг туп гилос, 50 минг туп оқ олёр шафтоли, 50 минг туп бодом, 20 минг туп хурмо кўчатлари етиштирди. Миришкор боғбоннинг ҳамкасби Зулунбой Хўжамов ҳам 10 минг туп қантак ўрик, 75 минг туп отёғи шафтоли ва бошқа кўчатларни бозорга чиқарди.

Шу қишлоқлик Сойибжон Зокиров ва Қўлдошбой Асқаров ҳам ўрик ва терак кўчатларини етказиб берди. Миришкор деҳқонлар гўзал Андижон заминининг янада меваларга бой бўлишига ўзининг муносиб улушини қўшмоқдалар.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Фарғона

Ёшлар куч синашдилар

Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг катта мажлислар залида «Ёш касаба уюшма фаоли» кўрик-танлови ўтказилди.

Унда 10 нафар ёш иштирок этди. Тадбир юқори савияда ташкил этилиб, қатнашчилар танловда касаба уюшма фаолияти бўйича назарий билимларини, шунингдек, «Интеллектуал ринг» ва «Сиз қонунни биласизми?» мавзуларида ўз салоҳиятларини синовдан ўтказдилар. Якунида Охунбобоев тумани 27-мактаб бошланғич касаба уюшма қўмита аъзоси Барчиной Абдураҳмонова 1-даражали, Фарғона шаҳар «Ватанпарвар» ташкилотининг касаба уюшма қўмитаси раиси Дилноза Обиджонова 2-даражали, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи унитар корхонаси ходими, касаба уюшма қўмитаси фаоли Бобиржон Мадаминов 3-даражали дипломга сазовор бўлдилар.

Қолган иштирокчиларга бирлашма кенгашининг «Фахрий ёрлиғи» ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муроджон ЭМИНЖОНОВ,
Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Ёшлар кенгаши»нинг масъул котиби

Бўйларингдан айланайин, Наврўзгинам!



Ҳақиқатга айланган афсона

Болалик чоғларимиз оналаримиз урушдан олдинги йилларда ўтган Наврўз байрами ҳақида оғзидан бол томиб ғапиришарди.

— Пай-пай, садағанг кетайин, ёруғлик, Наврўз! Анов овулда, минов овулда аткўншек (ҳалинчак)лар қурилган. Қиз-йигитлар булдуруққа етказиб аткўншек учиради. Пастда улкан қозонда Наврўз гўжаси. Гулмихли аравага минган қизлар узоқдан қўшиқ айтиб келишади. Ҳамма эгнига янги кўйлак киярди. Эҳ, нимасини айтай, байраммисан, байрам эди-да!

Уларнинг ҳайрат билан айтган гапларини эшитиб, оғзимиздан сувимиз оқарди, очиғи ишонмасдик. Назаримизда, оналаримиз эртак китобларида ўқиганларини бизларга қўшиб-чатиб, қорақалпоқча айтганда «кўпиртириб» айтиб беришаётгандай эди.

Аслида ҳам ХХ асрнинг иккинчи ярмида туғилганлар учун «Наврўз» сўзи умуман тушунарсиз, абстракт маъонога эга эди. Биз болалигимизда бундай байрам бўлиши мумкинлигини тасаввуримизга сиғдиролмасдик.

Элимиз мустақилликка эришиб, истиқлол эпкинлари қорақалпоқ кенгликларида ҳам эса бошлагач, «хаёлий» тушунча ҳақиқатга айланди. Қадим Наврўз айёми садоларини унутмаган қарияларимиз ёшларга бу қандай байрам эканлигини тушунтириб бердилар.

Биринчи марта Наврўз тантаналарига гувоҳ бўлганимдаги ҳаяжонимни ҳеч унута олмайман. Пойтахт майдонларига қатор-қатор столлар қўйилган, уларнинг атрофида миллий кийимларимиз эгнига ярашган йигит-қизлар... Кўзим шундай қувнади, юрагим шундай ҳапқирдики, гўё ўзга дунёга келиб қолгандай эдим. Стол устидаги миллий таомларимизнинг тансиқлигини, гўзаллигини айтмайсизми. Қорақалпоқ миллий таомлари бунчалик кўплигини билмас эканман. Агар ушбу таомлар учун кафелардаги каби меню ёзилса, кичкина китобга айланиши тайин эди.

Бундай тантаналарга мана, йигирма йилдирки гувоҳ бўлиб келяпман. Ҳамюртларим қатори ҳар йили Наврўзни ўзгача ҳайрат билан кутиб оламан. Маҳаллалар ўртасида ўтказиладиган миллий таомлар ва миллий кийимлар танловлари байрамга ўзгача шукуҳ бағишлайди. Ғолиб чиққанлар тўйини тўйга улайди. Миллий анъаналаримиз акс этган саҳна кўринишлари ҳаётга қайта бошлаганини айтмайсизми? Пойтахтдаги байрамлардан кўнгли ҳузур топган халқ автобус, машиналарга ўтириб шаҳар ташқарисидаги отчопарга ошиқади. Бу ерда республикамизнинг барча туманларидан, қўшни вилоятлардан келган чавандозлар ўзаро беллашади. Улар аввал айлаўга йўрға юборади. Кейин беш айлаў, тўққиз айлаў ва ўн бир айлайўга чопишга кетади. Кейин улоқ ўйини бошланади.

Майдон четида яна бир улкан қур йиғналади. Бу ерда қўчқор, хўрозлар уруши уюштирилади. Полвонлар ўзаро беллашади. Хуллас, тонг ёруғида бошланган Наврўз тантаналари ярим тунгача давом этади. Ҳеч ким чарчоқ билмайди. Аксинча, ёшу қарининг кўнглида қувонч гуллайди, ҳамма ўзида ўн саккиз ёш ғайратини туяди. Байрам шу билан тугамайди. Маҳаллаларда, овулларда, мактабларда, корхоналарда, оилаларда ҳафта, ўн беш кунлаб давом этади.

Мана шу тариқа мустақиллик туфайли биз оналаримиз айтган афсонанинг чинлигига ишондик. Нафақат ишондик, ушбу афсонанинг давомчисига, қаҳрамонига айландик. Аммо энди унинг номи эртак эмас, ҳақиқатдир.

Элдошларимиз чинакам байрам шукуҳини ҳис қилиш имконига эга бўлди. Ахир, дастурхони бут, кўнгил тўқ одамларга байрам ярашади-да!

Муродбой НИЗАНОВ,
Бердақ номидаги давлат мукофоти совриндори, ёзувчи

Хусусий тадбиркор Абдуллажон Маъмуров Марғилон шаҳридаги «Йўрмадўз» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги илгари ташландиқ ҳолатда бўлган жойда ўз сармоя маблағи ҳисобига гузар бунёд этди.

«Йўрмадўз»нинг гузари

Дорихона, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, гўшт дўкони каби қатор маиший хизмат ва савдо шохобчалари мажмуасини ўз ичига олган гузар эндиликда маҳалла аҳлига намунали хизмат кўрсатмоқда.

— Бундан 15-20 йил аввал маҳалланинг ўз гузари, савдо мажмуалари, умумий овқатланиш, маданий-маиший хизмат шохобчалари йўқ эди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммадали Исоқов. — Эндиликда маҳаллада 20 га яқин турли шохобчалар пайдо бўлди. Кираверишда маҳалланинг рамзий дарвозаси қад ростлади. Аҳли маҳалла шу кунларда зўр ҳаяжон ичида яшамоқда. Бу ерда шаҳар, вилоят миқёсида ўтказиладиган «Энг обод маҳалла» кўрик-танловларида қатнашишга тайёргарлик кўрилаяпти.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Мозий қатидаги НАВРЎЗ

Наврўз - қадимги Ажам ўлкаларининг энг қутлуғ, халқона байрамидир. Зардўштийларнинг муқаддас китоби «Авесто» (эрамиздан олдинги VI аср), Умар Хайёмнинг «Наврўзнома», Абу Райҳон Беруниийнинг «Осор-ал-боқия...» — «Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар» (XI аср) асарларида бу байрамнинг келиб чиқиши ҳақида баён қилинган.

«Авесто»да Наврўзнинг байрам қилиниши Зардуштнинг дунёга келиши билан боғланади. Зардўшт (эрамиздан олдинги 623-554 йиллар) баҳор кунларидан бирида туғилади. Ўша куни олам нурга тўлади, қуёш янада чарақлаб кетади. Бутун мавжудот ял-ял яшнайди, шу йилда меваю зироат, ғалла серҳосил, молу қўйлар эгизак туққан, дарёлар сероб, қуёш эса ерга яқинлашган, мамлакат тинч, эл фаровон бўлган. Ана шу сана — баҳор ойи Фарвардиннинг 21-кунини Ахурамазда йилнинг биринчи куни — Наврўз деб белгилашни буюради.

Бошқа манбаларда етти иқлимни ўз тасарруфига киритган Жамшид тоғ чўққисидан учар аравасида парвоз этиб, Бобулга тушган.

Тангри барча махлуқотларни яратган биринчи кун, «фаришталар яратилган кун», «қуёш, у замонанинг кўзи» бўлгани учун байрам қилишни буюрган, деб уқтирилади. Умар Хайёмнинг муқаддима ва хотимадан ташқари 14 бобдан иборат «Наврўзнома» асарининг «Мўъбадларнинг мўъбадини келиши ва Наврўзнинг келтирилиши», «Ажам подшоҳларининг удумлари» бобларида Турон ва Эрон халқларининг турли удумлари, тақвимлари, Сада, Меҳржон ва Наврўз байрамлари ҳақида кенг маълумот бериб, улар билан боғлиқ афсоналарни келтиради. Олим қадимги асотирий подшоҳ Каюмарсдан тортиб, Сосоний ҳукмдорлардан Яздигурд замонасигача Наврўзнинг байрам қилиниши ҳақида фикр юритар экан, эронийлардаги 12 та йил ойлари номини келтиради. Айни пайтда ҳар бир ойнинг хосиятини батафсил тасниф этади. Наврўз олти кун байрам қилинган. Байрамнинг биринчи куни шаҳаншоҳ халқ ҳузурига чиқиб оташкада майдонида ийд тантаналарининг расман бошланганлигини эълон қилган. Етим-есирлар, муҳтож оилаларга эҳсонлар тарқатилган, умумхалқ ҳашари уюштирилиб, ариқ-зовурлар, сув дамбалари, ҳовузлар, кўчаю хиёбонлар тозаланган. Иккинчи куни эса, шоҳ амалдорлар, зодагонларни тўплаб, байрам билан қутлаган, баҳорги ишлар ҳақида маслаҳатлашиб олинган. Учинчи кун эса зардўштий уламолар билан суҳбат қурган. Тўртинчи кунда сарой аҳли билан байрам тантаналарини нишонлаган. Бешинчи куни шоҳ ҳамда вазир, уларнинг қариндош-уруғлари фарзандлари учун байрам дастурхони ёзилган. Олтинчи куни эса байрамни подшоҳ фақат ўз хонадони аъзолари билан нишонлаган. Шу сабабга кўра бу кун «Наврўзи бузург» деб аталган.

Яна «Авесто»да Жамшид етти иқлимдан усталарни йиғиб, тоғ тепасида ўзи учун олтин суви билан зарҳалланган сарой ва тахт қуришни буюрибди. Бу муҳташам иншоот баҳор ойининг ўрталарида битган. Эрта тонгда Жамшид қуёшга қаратиб қурилган тахтига олтин тожини кийиб ўтирган. Шарқдан чиққан Хуршид уни мунаввар этиб, атроф-жавонибни олтин нурлар чарақлатиб юборибди. Жамшидни муборакбод этгани чиққан халқ ўша кунни йилнинг биринчи куни — Наврўз деб аташибди. Шарқда подшоҳларнинг Наврўз куни тож кийиш анъанаси ўшандан қолган экан.

Мовароуннаҳрда Наврўз 13 кун байрам қилинган. Фарвардин — март ойи уларда шоду хуррамлик ҳисобланган. Байрамнинг ўн учинчи куни бутун халқ шаҳару қишлоқларни тарк этиб, сахрога, тоғ ён бағирларига кўчиб чиқишган, ҳар хил ўйинлар, мусобақалар уюштирилган, бойчечаклар теріб, лапару ўланлар айтишган. Турли хил наврўзий таомлар пиширилган.

Машҳур шоир ва бастакор Борбад Марвазийдан (VI аср) тортиб, ўрта асрларгача бўлган даврларда яшаган барча шоирлар, бастакорлар Наврўзга бағишлаб куйлар яратган, шеърлар ёзган. Борбад «Наврўзи бузург», «Наврўзи ажам», «Наврўзи хоро», «Боди Наврўз», «Сози Наврўз» сингари оҳангларни яратган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»даги «Жамшид» достонида Наврўзнинг байрам қилиниши анча батафсил тасвирланган.

Манучеҳри (XI аср) Наврўз васфига бағишланган қасидаларидан бирида шундай ёзади:

Тонг саҳарлаб Наврўз кириб келди,
Табиат товланиб серҳашам бўлди.
Дунё гўзаллигу саодатга тўлди,
Зимзиё қиш қаъридан янги ҳаёт туғилди.
Мовий булут мавжудот узра атир пуркади,
Бутун ер юзи равзаи ризвон либосин кийди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI аср) «Қутадғу билиг», Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» (XVI аср) асарларида Наврўз васфига бағишланган алоҳида фаслар мавжуд. Ҳайдар Хоразмий «Гул ва Наврўз» достонини яратди. Навоийдан тортиб барча шоирларимиз Наврўзга бағишлаб кўплаб шеърлар битган, наврўзномалар яратган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида кўплаб қўшиқлар, болалар ашулалари бор:

Келди баҳор-гул баҳор
Тоғлар бўлди лолазор.
Биз тоғларга югурдик,
Бир қучоқ лола тердик.

Мустақиллик шарофати билан она Ўзбекистонимизда Наврўз чинакам умумхалқ шод-хуррамлиги, яшариш, табиатнинг янгидан уйғониб порлоқ келажак умиди билан гуркираб ривожланиши, яратувчилик байрами сифатида нишонланади. У кўҳна, аммо ҳамиша навқирон халкона шодиёнадир.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ,
профессор

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Халқимизни Наврўзи олам билан муборакбод этади! Яшариш ва янгиланиш айёми бўлмиш Наврўз хонадонларингизга файзу барака, оилангизга бахт-иқбол олиб келсин!

Жондан азиз Ватанимизнинг бундан-да гуллаб-яшнаши йўлидаги ишларингизда муваффақият ва зафарлар ёр бўлсин, азизлар!

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

Мамлакатимиз фуқароларини яшариш ва поклониш айёми Наврўз байрами билан табриклайди. Халқимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва бахтли ҳаёт тилайди.

Наврўз нафаси уфуриб турган шу муборак айём кунларида барча эзгу тилакларинг рўёбга чиқсин.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Серқуёш юртимиз фуқароларини баҳор ва гўзаллик, меҳнат ва бунёдкорлик, эзгулик ва меҳр-мурувват, янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўз айёми билан табриклайди.

Мусаффо тонгларда файзу барака,
Соҳибкор деҳқонлар чиқар далага,
Қўшиқлар уланар наво, яллага,
Ассалом, баҳорнинг эркаси — Наврўз!

Наврўз ҳар бир хонадонга хуш кайфият, тотувлик, эзгулик, файзу барака, бахту иқбол келтирсин!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро Вилоят кенгаши

Қалби баҳор каби мусаффо юртимиз аҳолисини ва тармоқ ходимларини ушбуғ янгиланиш ҳамда янгиланиш айёми — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Баркамол авлодни тарбиялашда фидойилик кўрсатаётган устозларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, порлоқ келажак, ишларида зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади.

Шофиркон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма жамоаси

Бунёдкор халқимиз ва тармоқ ходимларини қадриятларимизни улуғловчи, дилларга ғурур ҳамда сурур бахш этувчи қутлуғ айём — Наврўзи олам билан қутлайди. Барчанинг ҳаёти баҳор гулларидек гўзал ва нафосатли, иқбол қуёшидек порлоқ, ризқ-насибаси тўкин бўлсин! Қалбингизда ва хонадонингизда ҳамиша Наврўз нафаси уфуриб турсин!

«Ўзбекистон — GM» автомобилсозлик қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Ўзбекистон халқини баҳор айёми, қадриятларимизнинг сўнмас тимсоли Наврўзи олам билан муборакбод этади! Наврўзи олам шаҳару қишлоқларимизга фаровонлик, тўкин-сочинлик олиб келсин!

«Қўқонспирт» ОАЖ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Гўзаллик ва янгиланиш айёми

НАВРЎЗ

байрами билан қутлайди. Хонадонингиздан баҳорий кайфият, қут-барака аримасин!

«Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси

Уйғониш, янгиланиш, меҳру муҳаббат ва ҳамжиҳатлик рамзи Наврўзи олам билан республикамиз аҳолисини самимий табриклайди.
Порлоқ истиқбол сари дадил қадамлар билан бораётган юртдошларимизга ҳамиша бахт ва шодлик ҳамроҳ бўлсин.
Қарияларимизнинг умрлари узоқ бўлиб, ёшларнинг бахту камолини берсин!

Марказий Осиё гиганти Талимаржон Иссиклик электр станцияси унитар шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Ватандошларимизни гўзал ва табаррук айём — Наврўз кириб келгани билан муборакбод этади.
Ҳар бир қишлоқ ва шаҳардан, ҳар бир хонадондан зиё аримасин. Наврўз кайфияти халқимизни йил бўйи тарк этмасин. Мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаровон турмуш ҳамроҳингиз бўлсин. Наврўз байрами ҳар бир кишига эзгулик, хурсандчилик келтирсин!

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси

Мамлакатимиз аҳолисини Наврўз байрами билан чин юракдан табриклайди. Юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинган қутлуғ кунларда ризқу рўзимиз бунёдкорлари бўлган заҳматкаш деҳқонларни қутлаб, уларга мўл ҳосил, бахт ва омад тилайди.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши Ўзбекистон халқини ҳамда соҳа ходимларини баҳор айёми — Наврўзи олам билан самимий қутлайди!

Барчангизга баҳорий кайфият, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга қут-барака тилайди! Наврўзи олам муборак, азиз юртдошлар!

«Ўзметмашсаноат» ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти Раислар кенгаши

Юртдошларимизни янгиланиш ва яшариш байрами Наврўзи олам билан муборакбод этади. Баҳор айёми диллларга шодлик, қишлоғу шаҳарларимизга қут-барака олиб келсин!

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши

Ватанимиз равнаки йўлида меҳнат қилаётган азиз юртдошларимизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва оилавий тотувлик тилайди. Уларнинг хонадонидан барака, қалбларидан хотиржамлик, лабларидан кулги аримасин. Наврўз айёмингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилоятидаги вакиллиги

Юртдошларимизни янгиланиш ва яшариш айёми Наврўзи олам билан самимий қутлайди! Баҳорий кайфият сизни асло тарк этмасин!

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Интиқиб кутганим сенмидинг, баҳор?

Халқимизнинг улуғ айёми — Наврўз шодиёналари муносабати билан юртимизнинг ҳар бир ҳудудида байрам шукуҳи ҳукмрон. Қаёққа қараманг, қуйқўшиқлар, лапарлар садоси янграйди. Қир-адирларда кўпкари ўйинлари авжида. Отлар дупури, чавандозлар ҳайқириғи ёшу қарини томошага чорлайди. Кўпкари ўйинини кўпнинг ўйини деб бекорга айтишмаган. Кўпкарида ор талашиб, улоқни тақимига босиб ғолиб бўлган йигитларга барчанинг ҳаваси келади. Уларни эл ҳурматлаб фалончи чавандоз, фалончи полвон дея тилга олишади. Шунданми, юртимизда чавандозлар кўп.

Туйғу

Баҳорим, дилларни яйратувчи, кўнгилларни алланечук тўлқинлантирувчи ифоринг билан бугун ўзингни кўз-кўз қилмоқдасан. Сени одамларнинг юзларида, кўзларида кўраман. Момом пиширган сумалак исини димоғимга келтирган ҳам ўзинг. Гуллаган бодомнинг ҳар гулгунчаси сенинг номингдан салом айтади. Ердан бош кўтарган ҳар бир майса борки сенинг номингдан элчилик қилади.

Баҳорим элимизга улуғ айём — Наврўзни ҳам келтирган ўзинг. Бу эзгулик, яратувчанлик, яшариш, янгиланишги барча гина, адоват, байрами кўнгилларда-ҳар бир юракка эзгуларга барҳам беради. У ликлар жойлайди. Баҳорим, юртимизга жамики яхшиликлар элчиси бўлиб келганинг рост бўлсин!

Сен ўз гўзаллигинг, чиройинг, тароватинг билан ҳаётнинг ўткинчилигини, вақтнинг тезкорлигини яна бир карра одамларга эслатгандай бўласан. Ўлкамга хуш келдинг, баҳорим, юртимга хуш келдинг, Наврўзим!

Сайёра АБДУЛЛАЕВА,
ЎзМУ талабаси

Таҳририятимиздан репортаж

Халқимизнинг улуғ айёми — Наврўз байрами шукуҳи бугун ҳар бир кўнгилдан жой олган. Янги кун нафаси уфуриб тургани боис қай тарафга боқманг ҳаммаёқ чиройли. Зумрад баҳор гўзал келинчак мисол бор сепи-ю ифорини атрофга ёйган. Ҳатто, кечагина ёғган ёмғирдан шалобба бўлган кўчалар ҳам бугун чарақлаб чиққан офтоб таъсирида гўё ял-ял товланади.

Наврўз таомлари танлови

Шундай онларда ҳар ким дарвоза ҳатлаб ташқарига отланади. Таниган, танимаган, қўни-қўшни, ёр-биродар, қўйингки, барчабарча бир-бирларини баҳор билан, янгиланиш, яшариш айёми Наврўзи олам билан қутлашади.

Дуогўй онаҳонлар ундирилган буғдой майсасини кўзларига суртиб, яхши ниятлар қилишади. Қўли гул пазанда опасингилларимиз эса байрамга атаб тайёрлашган энг тансиқ баҳорий таомларини тугунларига тугиб, эл дастурхонига туҳфа қилишга ошиқишади.

Бугун таҳририятимиздаги ҳамкасабалар ҳам шу истакда байрам дастурхонини безатишди. Жамоамизнинг барча ходимлари байрам баҳона ўзларининг пазандалик маҳоратларини намойиш қилиш мақсадида баҳорий таомлар танловини ўтказишди. Таҳририятимиз ҳар бир ходими меҳр билан пиширган таомини кўпга илинди, кўпга манзират қилди.

Дастурхонга қўйилган шоҳ таом сумалакнинг тансиқ иси димоғларга урилганда ҳар ким ичида шундай кунларга етказганингга шукр, дея шукроналар келтиргани рост. Кўк сомса, ҳалим, кўк чучваралардан татиб кўрганлар, эса кўл-кўзингиз дард кўрмасин, азизлар, дея яхши тилаклар билдиришди.

Баҳор таомларининг фойдали жиҳатларини бир четдан таърифлаб, бу таомларни байрам дастурхонига тортиқ қилган Амина опамиз тайёрлаган ҳалим кўпчиликка ниҳоятда манзур бўлди.

Хонадонларида тайёрланган сумалакни мақтаб дастурхонга қўйган Жаҳонгир ака бу шоҳона таомнинг сифатларига алоҳида тўхталиб ўтди:

— Сумалак Наврўз таоми. Унинг фойдали жиҳати шундаки, бу таомни истеъмол қилган кишига дард юқмайди. Ҳам тўйимли, ҳам фойдали. Ота-боболаримиз таъриф қилганларича бор. Йилда бир марта тўйиб сумалак еган киши касаллик нималигини билмайди.

Баҳорий кўкатлардан кўк чучвара пишириб келган Дилоромхон ҳам кўк сомса, кўк чучварани таърифини келтирди.

— Кўкдан тайёрланган таомлар кишига қувват беради, ошқозон фаолиятини яхшилайди. Кўк сомса, кўк чучвара ҳазми енгил таом. Шунинг учун ҳам айни баҳорда бундай таомларни тез-тез истеъмол қилишади.

Меҳр билан пиширилган ҳар қандай таом мазали бўлади, дейишгани рост. Опа-сингилларимиз тайёрлаган бир-биридан мазали, бир-биридан ширин баҳорий таомларнинг бирини бошқасидан устун, бирини иккинчисидан мазали дейишга ҳеч ким унамади.

Аслида-ку ўтказилган бу танлов ҳам бир баҳона эди холос. Мақсадимиз эса шу аснода ишдан бир оз чалғиб, ўзимиз яхши кўрган таомлар билан ҳамкасбларимизни меҳмон қилиш, яна бир бор жамоамиз аҳлини Наврўзи олам билан қутлаш, бирбиримизга яхши тилаклар айтиш эди.

Орзугул РУСТАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Ифтихор

Бу юрт чавандозлар, полвонлар юрти

Ғаллаорол туманидаги Қашқабулоқ қишлоғида ҳам донғи чиққан чавандозлар бор. Жўра полвон, Анзур полвон, Шароф полвон, Ҳусниддин полвонлар ана шундайлардан. Улар ҳақида ҳамқишлоқлари фахрланиб гапиришни яхши кўришади.

— Тўйдаги совринларнинг ярмидан кўпини полвонларимиз олган пайтлар кўп бўлган, — дейди ғурурланиб қишлоқ ўқитувчиси Абдувоҳид Исоқов. — Лекин гап совринда эмас. Ўзбекистон полвонлар, чавандозлар юрти деган орият керак уларга!

Ўқитувчининг тўлқинланиб айтганлари бехос дилга кўчади. Янгиланиш фаслида, Наврўз кунларида ҳамқишлоқларинг, юртинг одамлари билан фахрлангинг, улар тўғрисида қайта-қайта гапиргинг келаверади. Шу қишлоқда туғилиб вояга етган Назар полвоннинг кураги ерга тегмаганини ҳалигача одамлар фахр билан эслашади. Сайлларда ўтказилган курашларда Назар полвон ҳар гал ғолиб бўлиб, қишлоғи довруғини элга танитган. Айтишларича, Назар полвон даврага тушса, рақиблари бир оз саросимага тушиб қолишар экан. Чунки ҳеч вақт унинг кураги ер кўрмаган. Ана шундай полвонлардан яна бири шу қишлоқлик Синдор Қарамановдир. Унинг жасорати, эзгу ишларини қишлоқдошлари ҳали-ҳануз унутишмаган.

— Ҳозир ҳам қишлоғимизда чавандозлар, полвонлар етишиб чиқмоқда, — дейди тўлқинланиб қишлоқ ўқитувчиси. — Наврўз сайлларида улар йиғилганларга ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Полвонлар, чавандозлар сулоласининг давом этаётгани эса бизни янада қувонтиради.

Наврўз сайлига йиғилган қариялар эса бугун Қашқабулоқ полвонлари, чавандозлари, шунингдек барча ёшларини алқаб, дуога қўл очишади. Уларнинг бу айёмда ниятлаганлари фақат эзгулик.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Илҳом

Нур сочар баҳор тонги



Нур сочар баҳор тонги, сабза куч олар энди,
Офтоб нурларига гул-чечак қонар энди.

Табиат безар бир-бир олам юзини буткул,
Кўнгилда бўса олмоқ фикри уйғонар энди.

Дов-дарахтлар рақс тушар шодлик куйини чалсанг,
Тарона ҳис-ҳаяжон, юрак ҳам ёнар энди.

Шарқда кўп муқаддасдир қадимий удум Наврўз,
Катта-ю кичик илҳақ кунда кун санар энди.

Сумалак доғи қайнар давра дош қозонларда,
Таъмида ҳаёт сеҳри, меҳрини солар энди.

Навоҳий масрур токи байрамлар бор ўзда йўқ,
Шукрким дилда шодлик абадий қолар энди.

Ҳошим БЕКНИЁЗОВ,
Жомбой тумани

Қадрият

Момомдан мерос таом

Ҳар гал баҳор яқинлашаверса, онам билан Нарпай канали бўйида ўтказиладиган Наврўз сайлига борганимиз ёдимга тушади. Сумалак ва ҳалим таомлари сузилмасдан олдин, момом дуо қилар, сўнг сопол косаларда тансиқ таомлар қайта-қайта дастурхонга тортиларди. Кун бўйи шу ялангликда яйрашгач, оқар сувда идиш-товоқларни ювиб уйга қайтардик.

Кейинги байрамлар гузарда ўтадиган бўлди. Момомдан кейин қавм-қариндош ва маҳалладошлар даврасида уни нишонлашга онам бош бўлди.

«Янаги кўкларга етайлик» иборасини момомдан кўп эшитган бўлсам-да, унинг чин маъносини энди англадим.

Онамнинг вафотидан кейин бир йил ҳовлимизда дошқозон осилмай қолди. Ўйлаб кўрсам, сумалак шунчаки баҳорий таомгина эмас, муҳим бирдамлик, тилакдошлик таоми ҳам экан. Шуларни ўйлаб, катта фарзанд сифатида онам сўзанасини ўз зиммамга олдим.

Бу йил ҳам сумалак сайлимиз ниҳоятда гаштли ўтди. Келинлар ош дамлаган бўлса ҳам, гузардошлар тугунчаларини дастурхон четида очишди. Қизалоқлар ҳам опаларига ҳавас билан

қошларига ўсма, қўлларига хина тортишибди. Ўзим ҳам тонготаргача қозон атрофидан кета олмадим.

Чошгоҳда димланган дошқозонни очиб, бармоқ учидан унинг таъмини татиб кўрдик. Бундай ширин таъмни узоқ вақт эслаб юрсак керак. Чаққон ёшлар кўп бўлишига қарамай, таомни сузишни менга юклатишди. Дилдан ниятлар қилиб ишга киришдим: «Кўкламларингни биздан аяма, Тангрим! Яна кўп кўкларга етайлик!».

Мавжуда ДАМИНОВА,
Нарпай тумани

Пири бадавлатларимиз

Онахон шу йилги кўкламда юз ёшга тўлди. Сиз «жуда қариб қолибдилар-ку» деб ўйлаётгандирсиз. Шошилманг, чунки Ойимбуви аямиз ҳали тетик, ҳасса тутмасдан илдам-илдам қадам ташлаб юради. Кўзойнакни бирор марта ҳавасга бўлса-да тақиб кўрмаган. Эрталаблари бир стакан наъматак шарбати ичиб, сўнг бадантарбия қилишга тушади. «Ҳаракатда ҳикмат кўп» дейдилар доим.

«Мен каби юзга киринг»

дея ҳаммани дуо қиладилар оққўрғонлик Ойимбуви Элтоева

Суҳбатларидан англадикки, ўзларини ортиқча зўриқтирмай, асабларини аяб яшаган. «Ўзни асраганни Аллоҳ асрайди» дегани бежизга эмасдир.

Демак, аямиз доим роҳат-фароғатда яшабди, демоқчидирсиз. Асло ундай эмас. Онаҳоннинг ҳаёти ҳам бошқаларники каби оддий кечган. Фарқи шундаки, бу аёл ўта сабрли ва шукрли бўлган экан...

— Бир асрлик ҳаёт йўлингиз ҳақида гапириб беринг, — дейдик биз.

— Тошкент вилоятининг Паркент шаҳрида туғилдим. Оиламиз қатағонга учраб, отамни Сибирга сургун қилиб юборишган. Онам уйдаги қўлга илинадиган буюмларни бир бурда нонга алмаштириб, етти фарзандни очликдан асраб қолган. Ниҳоят, Оққўрғон туманига келиб жон сақладик. Шу жойда улғайиб турмушга чиқдим. Умр йўлдошим Усмонқул Элтоев билан кўп йиллар тотув яшадик. У киши урушга жўнаб кетиб, икки йилдан кейин қўлтиқтаёқда уйга кириб келдилар. Шундан сўнг ҳам узоқ вақт ҳисобчилик вазифасида ишлаб жамиятга хизмат қилди, саксон ёшларида ҳаётдан кўз юмди.

— Узоқ яшашнинг сири нимада деб биласиз? — савол берамиз яна.

— Ҳеч бир сири йўқ, менимча. Аввало тўғри ва ҳалол кун кечириш керак. Ҳар нарсанинг фақат яхши томонини кўра билинг. Одамларга доим яхшилик соғиниб яшанг. Хушмуомала ва серҳаракат бўлишда ҳам гап кўп. Мен кўп йиллар қайнонам хизматида бўлдим, не юмушга буюрсалар ҳам оғринмадим. Ҳамиша «кўп яшанг» деб дуо қилардилар. Мана, дуолари ижобат бўлди.

Ойимбуви Элтоеванинг набираси, кардиолог шифокор Г.Жабборова суҳбатга қўшилади.

— Бувижоним ҳар гал пойтахтдаги уйимизга меҳмонга келса, яйраб кетаман. Сўзларининг ҳар бири ҳикмат. Ғайрати ичига сиғмайди. Саранжом-саришталиги, пазандалигини айтмайсизми?! Палов, юпқа, шилпилдоқ тайёрлашда у кишига етадигани йўқ. Ёнимга келиб митти-митти чучваралар тукканини кўрсангиз ёқа ушлайсиз. Идиш-товоқ ювишми, дастурхон безатишми, бажариб кетаверади. «Мен табаррук ёшдаман, уй тўрида ўтиришим керак» демайди, қайтанга «ҳаракат қилиб турмасам оғирлашиб қоламан» дея ошхонада куйиб-пишади. Шу ёшида ҳам юраги завқ-шавққа тўла, ҳаётга иштиёқи баланд!

Юз ёшли бувимиз ҳозирда Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида истиқомат қилади. Етти фарзандни уйли-жойли қилиб ўттиздан ошиқ набира кўрди.

Етмиш чевара, уч эвараниг суюкли бувиси. Пири бадавлат ва дуогўй.

— Илоё юртимиз тинч, элимиз хотиржам бўлсин, ҳар бир киши соғ-омон яшаб мен каби юз ёшларга кириб юрсин, — дейди Ойимбуви Элтоева.

Онахон дуога қўл очганида чеҳрасида нур балқийди. Нигоҳлари чарақлайди, юзларидаги ажинлар ёйилиб кетгандай туюлади. Табаррук ёшдаги онахон билан хайрлашаётганимизда бизга яна бир гапни алоҳида уқтирди:

— Ҳаёт Аллоҳ томонидан берилган буюк неъмат, унинг қадрига етинг, соғлиғингизни авайланг, сабрли бўлиб, шукроналик билан яшанг, болаларим!

Г.ЖАМИЛОВА

Газетанинг навбатдаги сони 26 март, пайшанба куни чиқади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Республика Кўчмас мулк биржасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Дамас» русумли, д/р 01374САА бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 600 000 сўм.**

2. «Дамас» русумли, д/р 01372САА бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.**

3. «Нексия» русумли, д/р 10АИ006 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 5 600 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2009 йил 27 апрел куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситалари 27 апрел куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 29 апрел ва 4 май кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт.

МФО: 0901, ИНН:200933850,
х/р. 20210000500571452105.

Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй.
Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — O'K.U.F. — F.T.U.U. — ОЛИЙ ВАҲТ

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AliAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e`lonlar — 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: T.Shernayev
Navbatchi: A. Abdiyev
Musahhih: N.Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 18.00

Буюртма Г — 214

20767 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 5 6